

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019. Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТЛЕГЕНОВ БАХЫТБАЙ НИЕТБАЕВИЧ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИФАТИНИ  
ОШИРИШДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(5-синф информатика фани мисолида)

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Тлегенов Бахытбай Ниетбаевич**

Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли  
ўқитиш методикасини такомиллаштириш (5-синф информатика фани  
мисолида) ..... 3

**Тлегенов Бахытбай Ниетбаевич**

Совершенствование методики проблемного обучения для повышения  
качества усвоения знаний учащимися (на примере предмета информатики  
5-классов)  
..... 27

**Tlegenov Bakhitbay Nietbaevich**

Improving the methods of problem-based learning to improve the quality of  
assimilation of learners' knowledge (on the example of the subject informatics  
of the 5th grade)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019. Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТЛЕГЕНОВ БАХЫТБАЙ НИЕТБАЕВИЧ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИФАТИНИ  
ОШИРИШДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(5-синф информатика фани мисолида)

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Ped1205 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ndpi.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алламбергенова Мухаббат Хасанбаевна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Ҳамидов Жалил Абдурасулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc:03/30.12.2019.ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» XI соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел./факс: (99861) 229-40-75, e-mail: nkspi\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (46 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75.)

Диссертация автореферати 2022 йил «11» XI куни тарқатилди.  
(2022 йил «11» XI даги 46 рақамли реестр баённомаси).



**Б.П. Отемуратов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

**З.К. Курбаниязова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзотиби, п.ф.д., доцент

**Э.И. Рўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибасида таълимнинг долзарб йўналишларидан бири ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун компетентли кадрлар тайёрлаш ва компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш интеллектуал ёшларнинг вояга келишига замин бўлади. Замонавий дунёда ўқитишга муаммоли ёндашув асосида ўқувчи шахсининг ижодкорлигини ошириш, ўқув-билиш компетенцияларини ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланиб, муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари асосида замонавий дарсларни ташкил этиш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берадиган методикаларни татбиқ қилиш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Илғор хорижий тажрибалар асосида муаммоли ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга жорий этиб ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга йўналтирилган замонавий дарсларни ташкил этиш механизмларини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Хорижий давлатларда, жумладан АҚШ, Германия, Корея, Канада, Словакия, Япония ва Россия каби мамлакатлар ўрта умумий мактабларида таълим жараёни самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатларини оширишда муаммоли технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришнинг инновацион модулларини ишлаб чиқиш, мультимедиали ўқув контентларини яратиш ҳамда муаммоли масалаларни ечиш орқали уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириш масалаларига кенг эътибор қаратмоқда.

Республикамизда таълим, жумладан умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни давом этмоқда. Шу муносабат билан умумий ўрта таълим мактабларнинг таълим сифатини таъминлаш ҳамда ўқувчиларда касб-хунар соҳаларига йўналтирилган билимларни ўзлаштириш жараёнидаги ижтимоий ролини ошириш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига мувофиқ инновацион педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилишни таъминлаш соҳасидаги иштирокининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида “узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, бу фармонда ўқув жараёнини ташкил этиш соҳасида ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш, педагогларнинг методик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4312785>

таъминотини яхшилаш, дарсликларни яратиш тизимида хилма-хилликнинг йўқлиги уларни яратиш ҳамда уларнинг мазмуни, методикаси ва нашр сифатига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармонлари, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида Мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш вазифаси қўйилган, шунингдек, мазкур фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзу доирасида хорижнинг ва республикамизнинг етакчи олимлари, тадқиқотчилари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилган:

республикамизда педагогик фаолиятга тизимли ёндашув, замонавий таълимнинг фаол усуллари, инновацион технологиялари ва шакллари, педагогик технологияларни қўллаш услубияти, таълим сифати, умумий ўрта таълим мактабларида информатика ўқитиш масалалари, асослари, ахборот тизимлари ва технологиялари, информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишни такомиллаштиришнинг методик тизими, информатикадан интерактив ўқув мажмуалар яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш, муаммоли вазият методи орқали ўқувчиларда билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш, муаммоли вазиятни бошқариш йўллари, информатика дарсларида муаммоли ўқитиш каби масалалар А.А. Абдуқодиров, М.Х. Алламбергенова, М.М. Арипов, Р.Х. Аюпов, У.Ш. Бегимқулов, Р.Р. Боқиев, Л.В. Голиш, Ф.М. Закирова, Р.Ж. Ишмухамедов, Ж.Ғ. Йўлдошев, М.Э. Мамаражабов, Н.А. Муслимов, Қ.Т. Олимов, О.Д. Рахимов, Н.И. Тайлақов, М. Тожиев, А.Б. Тўраев, Л.П. Узокова, Д.М. Эсонбаева, У.Ю. Юлдашев, А.Ғ. Хайитов ишларида, информатика ва ахборот технологиялари фанида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, фаннинг таълим самарадорлигини

оширишда интерфаол методлардан фойдаланиш, фанни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенцияларини ошириш каби масалалар А.Х. Боймуродов, З.Р. Муродова, А.А. Қаршиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари Ю.К. Бабанский, Л.А. Байкова, В.П. Беспалько, О.Б. Богомолова, Л.Н. Вахрушева, С.Н. Глазунов, И.А. Ильницкая, Н.Г. Каратаева, В.А. Касторнова, Г.Я. Ковалева, С.В. Крапивка, Д.А. Кретьева, В.Т. Кудрявцев, В.С. Кукушин, Л.Г. Куликова, И.Я. Лернер, В.В. Лукиных, Н.В. Макарова, А.М. Матюшкин, М.И. Махмутов, Е.Л. Мельникова, С.Н. Морелова, А.А. Нестеренко, Е.А. Ракитина, С.Л. Рубинштейн ва бошқалар томонидан умумтаълим мактабларида информатика фани ва уни ўқитиш методикаси, муаммоли ўқитишга бағишланган асосий назарий тадқиқотлар, муаммоли таълимнинг илмий-назарий ҳамда муаммоли ўқитиш назариясининг психологик-педагогик асослари, замонавий таълим ва инновацион педагогик технологиялар, уларни амалиётга қўллаш, педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари, таълимнинг фаол усуллари, таълим жараёнида лойиҳалаш усулидан фойдаланиш, модулли, муаммоли ўқитиш, муаммоли дарсларни ташкил этиш масалалари тадқиқ этилган;

Хориж мамлакатларида муаммоли ўқитиш методлари, муаммоли ўқитиш технологияларидан фойдаланиш, муаммоли вазиятларни яратиш масалалари бўйича Т. Barrett, D. Boud, R. Delisle, B. J. Duch, R. T. Herold, W. Hung лар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Юқорида номлари қайд этилган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ва уларнинг таҳлили умумтаълим мактаблари ўқув режасига кирган информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишни муаммоли дарсларни ташкил этиш технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш етарли эмаслиги, шунингдек, уларда муаммоли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш орқали 5-синф ўқувчиларининг информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш йўллари илмий-услубий жиҳатдан асосланмаганлигини кўрсатди.

Мавзу доирасида адабиётларни таҳлил қилишга йўналтирилган ишлар натижасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг информатика фанидан ўзлаштириш сифатини ошириш, бунда дарсларни муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари асосида ташкил этиш бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқотлар режасининг «Замонавий ахборот технологияларини ўқиш жараёнига татбиқ этиш муаммолари» (2015 – 2019 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методикасидан фойдаланиб дарсларни ташкил этишни мазмунан ривожлантириш, педагогик шарт-шароитлари ҳамда омилларини аниқлаштириш;

умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методикасидан фойдаланиб дарсларни ташкил этишни моделлаштириш;

умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

муаммоли ўқитиш методикаси асосида ўқувчиларда информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини ошганлик даражаларини аниқлаш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида қуйидаги назарий ва эмпирик усуллар мажмуидан фойдаланилди: педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровнома, педагогик тажриба-синов, натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда информатика дарсларини ташкил этишнинг услубий-дидактик таъминоти муаммоли ўқитиш методлари (UFALAZ, HAITI, Зиг-заг, Think-Pair-Share) ёрдамида ижодий, танқидий ва креатив фикрлашни фанга оид компетенцияларга мослашувни таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

муаммоли ўқитиш асосида ўқувчиларнинг информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишнинг методик модели мақсаддан натижага йўналган узлуксиз тизим асосида ўқув материалларини муаммоли тақдим этишнинг академик ва инновацион шакллари дидактик воситалар билан уйғунлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришининг дидактик жараёнлари ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ва ўрганишига хизмат қилувчи ўқув материаллари ва топшириқлар асосида дарсларнинг схематик режасини моделлаштириш ҳамда ўқитишнинг электрон дастурий таъминотини (Informatics electronic guide-line) яратиш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг информатикадан билимларни ўзлаштириш ва уларнинг мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, тadbиркорлик сифатларининг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг мезонлари (motivational-valued, emotional, informative-cognitive, processual-activity) фанга оид



компетенцияларни ўзлаштириш ва объектив баҳолашнинг интегративлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

информатика таълимида муаммоли ўқитишга хос бўлган метод ва технологиялардан фойдаланишга хизмат қиладиган «Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга йўналтирилган муаммоли методик таъминот» номли тўплам яратилган;

муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари ёрдамида дарсларни ташкил этиш модели мактабларда тажрибадан ўтказилган ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари танлаб олинган ва амалиётга жорий этилган;

информатика фанини ўқитиш самародарлигини таъминлайдиган электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилган;

5-синф ўқувчиларига мўлжалланган информатика дарслигидан ўрин олган бир қатор мавзуларни дидактик таҳлилга тортиш жараёнида муаммоли ўқитиш методлари ва технологияларидан фойдаланиш бўйича муаммоли саволлар ва топшириқлар тақдим этилиб, ўқувчиларни мавжуд муаммо ечими сари йўналтирувчи методик тавсиялардан иборат «Муаммоли ўқитишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари» номли ўқув қўлланма нашр этилиб, мактаблар амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, саралаб олинган манбаларнинг репрезентативлиги, ишончилиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари асосида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари асосида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга қаратилган методологик ёндашувларнинг педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари асосида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда дарсларни ташкил этишнинг методик тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг келажак касбий сифатлари (мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик)ни ҳамда мантикий фикрлаш операциялари (таққослаш, солиштириш, таҳлил, умумлаштириш, хулосалаш ва б.)ни шакллантиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда информатика дарсларини ташкил этишнинг услубий-дидактик таъминотини муаммоли ўқитиш методлари (UFALAZ, HAITI, Зиг-заг, Think-Pair-Share) ёрдамида ижодий, танқидий ва креатив фикрлашни шакллантириш орқали фанга оид компетенцияларга мослашувини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан “Муаммоли ўқитишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари” номли ўқув қўлланманинг мазмунига сингдирилган муаммоли савол ва топшириқлар, машқлар тизими, муаммоли дарс тузилмаси ва ишланмалари асосида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфлари учун «Информатика» дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 16 февралдаги 01/11-01/03-210-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш сифатини оширишнинг инфорацион-методик тизими яратилган;

муаммоли ўқитиш асосида ўқувчиларнинг информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишнинг методик моделини мақсаддан натижага йўналган узлуксиз тизим асосида ўқув материалларини муаммоли тақдим этишнинг академик ва инновацион шакллари дидактик воситалар билан уйғунлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга ҳамда дарсларнинг схематик режасини моделлаштириш ва ўқитишнинг электрон дастурий таъминотини (Informatics electronic guide-line) яратишнинг педагогик алгоритминини ишлаб чиқиш орқали дидактик жараёнларни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Жиззах политехника институтида бажарилган №АИФ 1/4 “Касб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория яратиш” (2019-2021 йй.) ва Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган №АИФ 2/20 “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2021 йй.) мавзуларидаги халқаро амалий тадқиқот лойиҳаларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 16 февралдаги 01/11-01/03-210-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотда илгари сурилган ғоялар ва олинган натижалар узлуксиз таълим тизими босқичларида информатика фанини ўқитишнинг илмий методик асоси бўла олиши асосланган;

ўқувчиларнинг информатикадан билимларни ўзлаштириш ва уларнинг мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик сифатларининг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг мезонларини (motivational-valued, emotional, informative-cognitive, processual-activity) фанга оид компетенцияларни ўзлаштириш ва объектив баҳолашнинг интегративлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва

тавсиялардан “Халқ таълими тизими методистлари, таълим муассасалари дефектологи ва ўқитувчи логопедларининг такомиллаштирилган лавозим мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 16 февралдаги 01/11-01/03-210-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатининг ошганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва механизмларининг такомиллашувига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш: шундан 1 та ўқув қўлланма, 1 та методик тавсиялар тўплами, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб ва хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 139 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Муаммоли таълимнинг назарий асослари**” деб номланади. Бунда муаммолилик принципи, муаммоли таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, муаммоли ўқитишнинг таълим жараёнидаги ўрни, муаммоли вазият ва уларни яратиш усуллари, муаммоли ўқитишни муваффақиятли қўллаш учун асосий шартлар, муаммоли ўқитишнинг босқичлари, ўқув муаммоси, унинг моҳияти, муаммоли ўқитиш турлари ёритиб берилган.

Муаммолилик принципи ўз ичига ўқув жараёнининг мантиқий тузилиши ва ўрганиладиган материалнинг мазмуни; ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш методлари ҳамда уларни бошқариш; ўқитувчилар томонидан муаммоли ўқитиш жараёнини ташкил этиш назарияси мазмуни ва моҳиятининг ўзлаштирилиши; дарс структураси ҳамда

ўқитувчи томонидан жараён ва ўқувчилар фаолияти натижаларини назорат қилиш шакллари; ўқитувчилар томонидан ўқитишнинг шакл, метод ва техник воситаларини эгаллаганлиги; ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилганларни амалиётда қўлланиши кабиларни қамраб олади.

Муаммоли ўқитишнинг мақсади – фақат илмий билиш натижаларини ўзлаштирмасдан, бу натижаларни олиш жараёни йўлларини ҳам ўзлаштириш; ўқувчининг интеллектуал, мотивацион, эмоционал ва бошқа доираларини шакллантириш, ривожлантириш, ўқувчининг индивидуал қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

Муаммоли ўқитишнинг асосий тушунчаларига ўқув муаммоси, муаммоли вазият, фараз, муаммоли ўқитиш, муаммоли ўқиш, мазмун муаммолилиги, муаммоли топширик, муаммо, муаммоли (муаммолилик даражаси, муаммолилик принциплари ва б.) ва муаммолаштириш, ақлий изланиш, муаммоли савол, муаммоли баён этиш киради.

Муаммоли ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда ўқувчи таҳлил қилиш, таққослаш, синтез қилиш, умумлаштириш, материални конкретлаштириш орқали ўзи ундан янги ахборотни олади.

Муаммоли ўқитишни муваффақиятли қўллаш учун асосий шартлар қўйидагилардан иборат: муаммоли вазиятлар билимлар тизимини шакллантириш мақсадларига жавоб бериши; ўқувчилар учун тушунарли ҳамда билиш қобилиятларига мос келиши, шахсий билиш фаолияти ва фаолликни келтириб чиқиши лозим; топшириқлар шундай бўлиши керакки, бунда ўқувчилар бор билимларига таянган ҳолда уларни бажара олмасин, ўзлари мустақил равишда муаммоларни таҳлил қилиб, номаълумларни топсин.

Муаммоли ўқитишнинг ютуғи равшанки, бу биринчи навбатда диққат, қузатувчанлик, фикрлаш ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришни ривожлантириш учун катта имконият; у мустақиллик, жавобгарлик, танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш, ташаббускорлик, ностандарт фикрлаш, эҳтиёткорлик, қатъиятлилик кабиларни ривожлантиради; бундан ташқари, энг муҳими муаммоли ўқитиш эгалланган билимларнинг пухталигини таъминлайди.

Муаммоли ўқитиш ўз ичига умумий муаммоли вазиятларни англаш; унинг таҳлили, конкрет муаммоларни аниқ ифода қилиш; муаммоларни ечиш (илгари суриш, ғояни асослаш, уларни кетма-кет текшириш); муаммоларни тўғри ечилганлигини текшириш каби босқичларни олади.

Ўқув муаммоси – вазифа, топширик, саволлар кўринишида шакллантирилади. Бунда педагогик жараённинг асосий таркиби ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабати ҳисобланади. Шунинг учун ўқувчининг интеллектуал ривожланишида асосий эътибор шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларига қаратилади. Ўқув муаммоларининг моҳияти шундан иборатки, у ўқувчининг ўқув фаолияти жараёнида юзага келадиган муаммоли вазият мазмуни ҳисобланади. У ўзида ўқувчи учун янги билим ва бу билимларни ўзлаштириш усулларини олиб юради ҳамда фикрлаш жараёнининг структурасини аниқлайди.

Ўқув муаммосининг дидактик классификацияси – пайдо бўлиш соҳаси ва жойи; ўқитиш жараёнидаги роли; жамоавий ва сиёсий аҳамияти; ечиш жараёнини ташкил этиш усуллари каби кўрсаткичларга; ўқув муаммосининг психологик таснифи эса номаълум ва қийинчилик туғдирувчилар характери, ечиш усули, муаммодаги маълум ва номаълумнинг мазмуни ҳамда нисбати характери каби кўрсаткичларга асосланган.

Умуман олганда муаммоли вазиятни яратиш усуллари таснифи, у ўқиш жараёнида юзага келувчи қарама-қаршиликлар характерига асосланган, яъни ўқувчиларнинг назарий тушунтиришларни талаб этувчи ҳодиса ва фактларга дуч келиши; ўқувчиларнинг амалий топшириқларни бажаришда юзага келувчи ўқув ва ҳаётий вазиятлардан фойдаланиши; ҳодисаларни тушунтириш ёки уни амалда қўллаш йўллари излаш учун муаммоли ўқув топшириқларини йўлга қўйиш; ўқувчиларда ҳодиса ва фактларни таҳлил қилишга хоҳиш уйғотиш; фаразларни илгари суриш, хулосаларни шакллантириш ҳамда уларни тажрибавий текшириш; ўқувчиларда факт, ҳодиса, қоида, ҳаракатларни таққослаш, солиштириш, қарама-қарши солиштиришга хоҳиш ҳамда ўқувчиларда янги фактларни дастлабки умумлаштиришга хоҳиш уйғотиш; худди тушунтириш мумкин бўлмагандек характердаги фактлар билан ўқувчиларни таништириш; предметлараро алоқаларни ташкил этиш.

Ижодкорлик фаолиятини амалга ошириш типи бўйича муаммоли ўқитиш уч турга ажратилади: илмий, амалий ва бадиий ижодкорлик. Илмий ижодкорлик – назарий ўқув муаммоларини қўйиш ва ечишга асосланган. Амалий ижодкорлик – амалий ўқув муаммоларини қўйиш ва ечишга асосланган. Бадиий ижодкорлик – бу ижодкорликни тасаввур этиш асосида ҳақиқатни бадиий акс эттириш. У ўз ичига бадиий иншо, чизиш, мусиқа асарини ёзиш, ўйин кабиларни олади.

Муаммоли ўқитишда асосий нарса бу – муаммоли вазиятни яратишдир. Бунда саволларни ўйлаб тузиш лозим. Ўқув вазифаси аниқ бир шароитда ақлий фаолликни келтириб чиқариши керак. Ўқувчи муаммони ечишда ўз тажрибасида бўлмаган ечим схемасини топиши, янги ечим усуллари яратиши керак. Муаммоли вазият ўқувчида шунда пайдо бўладики, агар унда қийинчилик туғилса, эски ва янги, маълум ва номаълум, берилган ва номаълум, шарт ва талаблар ўртасида қарама-қаршилик мавжуд бўлганда вазифаларни ечишни билишга эҳтиёж ва интеллектуал имконият бўлса.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишнинг асосий моҳияти ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш бўлиб, унинг асосида дарсларни муаммоли ташкил этишда уларнинг ҳаётий тажрибаси, эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда имкониятларига таянилади. Ҳозирда мактабларда муаммоли ўқитишдан фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг самарали йўллари билан бири сифатида эътироф этилмоқда. Чунки муаммоли ўқитиш юқорида таъкидланганидек, ўқувчида ижодий фаолият қобилятини, эҳтиёжини шакллантириш ва ривожлантиришга, ахборотларни мустақил излашга қизиқиш уйғотади, фикрлашини фаоллаштиради, муаммоларни

мустақил кўришга, уни шакллантиришга, ечиш йўллари топишга ва ҳал этишга ўргатади.

Муаммоли ўқитиш асосида дарсларни ташкил этишнинг аҳамияти шундаки, ўз вақтида самарали ташкил этилган, ўқувчи ёши ва қизиқишларига мос келадиган дарс уларнинг ақлий ривожланишини таъминлайди, мазкур жараёнда сенсор жараёнлар (ҳис этиш, қабул қилиш, тасаввур этиш) ҳамда ижодий қобилиятлар (кузатувчанлик, кўриш) такомиллашади, ўқувчиларда мустақиллик, ташаббускорлик, ўз-ўзини назорат қилишни шакллантиришга имкон беради, амалий фаолиятнинг оддий турлари (текшириш, ҳисоблаш) шаклланади, ўқувчи фаолият мақсади ва усуллари, умумий қоидаларини ўзлаштиради, олинган натижани тушунтира олади, умумий билиш қобилият (таққослаш, умумлаштириш, турли объектларни тасниф қилиш, фикр юритиш каби)лари ҳам ривожланади.

Кўриниб турибдики, муаммоли ўқитиш бевосита ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Унинг ривожланиши эса интеллект-интуиция-мантикий фикрлаш жараёни таъсирида кечади. Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда уларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларга қараб муносиб равишда муаммоли ўқитиш жараёнини ташкил этишни талаб қилади.

Демак, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишни таъминлаш мақсадида муаммоли дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш давр тақозоси сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Уларни татбиқ этиш ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашга йўналтирилган жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди, мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ҳамда уларнинг мавжуд билимларини бойитиш билан бирга амалий кўникма, малакаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг “Муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари” деб номланган иккинчи бобида муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари асосида ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш босқичлари, муаммоли таълим муҳитида ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги муносабатлари ютуғини кафолатловчи омиллар, информатика фанидан муаммоли дарсларни ташкил этиш технологиялари, муаммоли дарс, унинг мақсад ва вазифалари, мазмун ва моҳияти ҳақида фикр юритилган. Тадқиқот доирасида муаммоли ўқитиш жараёнида ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш босқичларини қуйидагича ифодаладик:

1. Репродуктив-изланиш босқичи. Бу босқич ўқувчиларда муаммоли ёндашувга бўлган қизиқишларни шакллантириш, таълимдаги муаммоли методлар ва технологияларнинг моҳиятини англаш ҳамда янги ғояларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши билан тавсифланади. Ўқувчилар репродуктив-изланиш типидagi мустақил ишларни бажаришда янги вазиятда ўзлаштирган билимини мустақил қўллаши, дарслик матни билан ишлаши, ўртача мураккаблик даражасидаги масалани ечишни конструкциялаши мумкин.

Ечишнинг янги усуллари топиш, мантикий таҳлилни талаб этувчи мустақил ишларни бажаради.

2. Тадқиқотчилик босқичи. Ўқувчилардаги тадқиқотчилик ижодий фаоллик, ностандарт тафаккур, билиш мустақиллиги, янгилик яратиш кўникмаларининг шаклланиши билан белгиланади. Тадқиқотчилик ўқувчиларнинг муаммоли топшириқларни ечиши бўйича мустақил ишларини ташкил этишни назарда тутди. Мақсад уларнинг янги тушунча ва фаолият усуллари ўзлаштириши ҳамда интеллектуал доирасини ривожлантиришдан иборат. Тадқиқотчиликдан фойдаланганда ўқувчиларга катта мустақиллик берилади, бу ўз навбатида излаш режасини тузишда, гипотезаларни илгари суришда, уларни текширишда, тажрибалар ўтказишда, кузатишда, фактларни аниқлашда, таснифлаш ва хулосалар қилишда намоён бўлади. Бу ишлар жараёнида ўқувчи илмий-тадқиқот босқичлари ва тамойилларини билиб олади.

3. Ижодкорлик босқичи. Яратилган янгиликни амалда қўллаш, баҳолаш, таҳлил қилиш, оммалаштириш ва уни кенг татбиқ этиш ҳамда истиқболга йўналтирилган стратегик режаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Бунда ўқувчилар ақлий фаолият усуллари тез ўзлаштиради, муаммоларни ечиш йўллари танлаш, гипотезаларни илгари суришга қобилиятли ҳамда уларда оғзаки мантикий фикрлаши юқори бўлади.

Муаммоли таълимда педагогик жараён самарадорлиги омилларига ўқув материалининг муаммоли шаклда берилиши, ўқувчининг фаоллиги, таълимни ҳаёт, ўйин, меҳнат билан боғлиқлиги хосдир. Муаммоли таълим мазмунининг қизиқарли жиҳатлари янги мазмун, эски билимга янгича нигоҳ, ҳаёт, ўқувчилар амалий фаолияти, ҳозирги замон, тарих ва келажак билан боғлиқлиги бўйича изоҳланади.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти ўқув материални муаммолаштириш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш, ўқитувчи томонидан муаммоли усуллардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишни билиш, муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантикий кетма-кетликда ўқувчиларга баён этиш каби омиллар билан боғлиқ.

Муаммоли таълимнинг ноёблигини ўқишга бўлган ички мотивацияни кучайтириш, билишга қизиқишни ошириш, мустақилликни шакллантириш, ижодий қобилиятларни, тасаввур қилишни ривожлантириш, касбий таълим муҳитида ўз ўрнини белгилаши учун шароит яратиш, мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантириш, ўрганилганларни батафсил ўзлаштириш, ишончни шакллантириш ҳамда тадқиқотчилик фаолиятининг дастлабки кўникмаларини эгаллаш вазифаларини самарали ҳал этишда кўриш мумкин.

Муаммоли ўқитиш методлари ўз ичига монологик, диалогик, эвристик, тадқиқотчилик, алгоритмик, дастурлаштирилган методларни қамраб олади. Улардан учтаси ўқитувчи томонидан ўқув материални баён этишни ўз ичига олса, қолган учтаси ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини мустақил ташкил этиш

ҳисобланади. Ўқитиш амалиётидан келиб чиқиб, муаммоли саволдан, муаммоли вазиятдан ва муаммоли дарсдан, муаммоли-диалогик ўқитишдан фойдаланиш методларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мавжуд методик манбалар ва иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга хизмат қиладиган қуйидаги муаммоли иш шакллари таклиф қилинди: муаммоли ижодий топшириқларни бажариш, кичик гуруҳларда ишлаш, видеотренинглар, такдимотлар, викториналар, ижодий лойиҳалаш дарслари, муаммоли экскурсиялар, муаммоли маърузалар, эвристик ва давра суҳбатлари, муаммоли баён, муаммоли намоёиш, изланишга асосланган амалий машғулот, ижодий топшириқ, ҳаёлий муаммоли тажриба, муаммо фаразларини шакллантириш, масалаларни муаммоли ечишнинг оптимал вариантларини танлаш, муаммоли вазифа ва муаммоли ўйинлар.

Биз ўқувчиларнинг информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишнинг методик моделини таклиф этдик. Мазкур модел тўртта ўзаро боғланган компонентлардан иборат бўлди: мақсад, мазмун, жараён ва диагностик натижавий (1-расм).

*Мақсад компоненти* ижтимоий буюртма ва мақсадни ўз ичига олади. Моделда мақсад ўқувчиларнинг информатикадан билимларини ўзлаштириш сифатини ошириш назарда тутилади.

*Мазмун компоненти* вазифалар, ёндашувлар, тамойиллар, педагогик шарт-шароитлар ва муаммоли таълим функцияларни ўз ичига олади. Ушбу компонент мактаб ўқувчиларининг информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини назарий жиҳатдан асослайди.

*Жараён компоненти* билим, кўникма, қобилият, малака ва касбий сифатлар, шу билан бирга, шакллар, методлар ва воситалардан ташкил топган. Бунда мактаб ўқувчиларини информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли таълим методларидан фойдаланиш амалга оширилади. Мазкур компонент информатикадан таълим жараёнини тўлиқ ўзида мужассамлаштиради.

*Диагностик-натижавий компонент* педагогик тажриба-синов босқичлари, баҳолаш мезонлари, тайёргарлик даражалари ва натижани қамраб олган. Мазкур компонент юқорида келтирилган учта компонентни тўғри амалга оширилганлигини тасдиқлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқилган методик модел методологик ёндашувлар, тамойиллар ва функцияларни ҳисобга олган ҳолда узвий алгоритмик кетма-кетликни сақлаш натижасида ишлаб чиқилган бўлиб нафақат информатика ўқитишда, балки бошқа умумтаълим фанларини ўқитишда юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини башоратлайди.

Методик модел мақсаддан натижага йўналган узлуксиз тизим сифатида қаралса мактаб ўқувчиларининг информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда амалга оширилган алгоритмик кетма-кетликни изчил амалга оширилишини талаб қилади. Моделдан фойдаланиб ўқувчиларни билимларни ўзлаштириш сифатига қараб самарали эканлиги аниқланади. Биз





1-расм. Мактаб ўқувчиларининг информатикадан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишнинг методик

томонимиздан ишлаб чиқилган моделнинг самарадорлигини педагогик тажриба-синов ишлари натижалари тасдиқлайди.

Муаммоли метод ва технологиялар асосида ташкил этиладиган дарслар информатикадан ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга имкон беради. Бу ўз навбатида ўқувчиларни касбга тайёрлаш, ўз қобилиятини намоён эта оладиган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир шахсни вояга етказишга йўналтирилган, бугунги кунда ўз самараларини бераётган бундай ишлар келажакда мамлакатимизнинг юксак тараққиётини, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга хизмат қилади.

## 1-жадвал

### Муаммоли ўқитиш технологиялари асосида ишлаб чиқилган дарс модели

<b>1. Ташкил этиш аспекти</b>			
<b>№</b>	<b>Этаплар мазмуни</b>	<b>Ўқитувчи фаолияти</b>	<b>Ўқувчи фаолияти</b>
1	Ўқувчиларни жараёнга жалб қилиш.	Ўқувчилар бизлар сизлар билан ҳозир қанақа амалларни бажарамиз?	Масала ечиш, фикр юритиш
2	Мазмун моҳиятини англаш	Масалани ечишга тайёрмизми? Дарс жараёнида муаммоли вазиятни яратиш фаолиятини ташкил этиш.	Масала ечиш, фикр юритиш
<b>2. Янги билимларни эгаллаш</b>			
3	Янги билимларни эгаллаш, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш.	Электрон дастурдаги “Топшириқлар” бўлиmidан мавзуга оид масалаларни ўрганиш. Уларни мустақил ечиш. Қандай хулосага келамиз?	Ўқувчилар муаммоли топшириқларни ўрганади ва жавобларни топишади. Жавобларни таҳлил қилади. Ўзлари хулосага келади.
4	Қийинчиликларни фиксациялаш.	Муаммоларни ечиш.	Айрим муаммоли масалаларни оғзаки ечадилар.
<b>3. Ўқув топшириқлари баёни</b>			
5	Ностандарт топшириқлар билан танишиш	Муаммони қандай ечишга йўналтириш.	Ўқувчиларга бир нечта жавоб вариантлари таклиф этилади.
<b>4. Муаммоли вазиятлар таҳлили</b>			
6	Мавзунини аниқлаштириш.	Таклиф қилинган жавоб вариантларини таҳлил қилиш. Муаммони келиб чиқиш сабабларини ўрганиш. Қайси ўқувчи тўғри жавоб берди? Дарс мавзуси қандай?	Муаммони ҳал этиш, хулосалаш.
<b>5. Муаммо ечимини топиш</b>			
7	Ўқувчиларни муаммонинг тўғри ечимини танглашга йўналтириб туриш.	Ҳар бир вариант жавобига сиз қандай муносабат билдирасиз?	Масала ечиш, фикр юритиш.
8	Ўқувчининг маълум метод ёрдамида ечимни топиши.	Гуруҳларда муаммо ечимини топиш ҳаракати.	Жараённи кузатиш.
9	Янги алгоритм асосида ечимни топиш.	Ўқувчиларнинг сўнги хулосага келиши. Нимага бу ечимда тўхталдик?	Масала ечиш, хулосага келиш.
<b>6. Мустақил ишлаш</b>			
10	Муаммоли масалаларни	Мустақил ишлашни ташкил этиш.	Ўқувчиларнинг

	мустақил ечиш.		муаммони ечиш жараёни.
11	Ўқувчилар ишини эксперт текшириш.	Таққослаш.	Ўқувчиларнинг таҳлил қилиши.
12	Муваффақиятли муҳитни ташкил этиш.	Мустақил ечим.	
<b>7. Такрорлаш</b>			
13	Янги таянч тушунчаларни ўзлаштириб билимларга айлантириш	Дафтар билан ишлаш.	Ўқувчилар дарслик ва дафтар билан ишлайди.
14	Олдинги тадқиқотларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш.	Мустақил ишлаш.	Масала ечиш, хулосага келиш.
<b>8. Рефлексия</b>			
15	Синфда ўқувчиларни фаоллаштириш.	Кўйилган муаммоли саволлардан нимани тушундингиз? Қандай тушунчага эга бўлдингиз? Нималар устида янада ишлаш керак? Муаммонинг ечимини топишда нима кўпроқ ёрдам берди?	Ҳал қилиш, фикрлаш.
16	Ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш.	Масалани қанчалик ечганингизни ўзингиз баҳолаш (тезкор, аниқ, мустақил): -тўғри, лекин секин; -тўғри, лекин кўшимча ёрдам орқали; -тезкор, лекин нотўғри.	Фикрлаш ва хулоса.

Ўқувчиларнинг тўртта фанга оид (информатика) компетенцияларини (ФК-1, ФК-2, ФК-3, ФК-4) ривожлантиришга қаратилган босқичлари 2-расмда келтириб ўтилган: **UFALAZ, Зиг-заг, НАИТ, Think-Pair-Share.**

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муаммоли ўқитиш методлари ва технологиялари асосида дарсларни ташкил этишнинг амалий самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда дарсларнинг таълим жараёнидаги ўрнини ўрганиш ҳамда муаммоли ўқитиш технологияси нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш, ўқувчиларда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш бўйича тажриба-синов ишларининг тавсифи, тажриба-синов ишларининг якуний таҳлили ва умумий натижалари ҳақида сўз юритилган.

Муаммоли дарсларни ташкил этиш бўйича назарий тадқиқотларнинг амалда жорий этилишини, самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажриба-синов ишларининг бошида назорат ва тажриба-синов гуруҳлари танлаб олинди, уни ўтказиш учун жиҳозланган жойнинг ҳолати текширилди, ўқувчиларнинг ишлаш кўникмаларини аниқлаш, уларга оид ўқув кўлланмалар, билимларини баҳолаш топшириқларини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилди.

